

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Ўзгидромет Бош директори,**  
**Хайъат раиси**



**Ш.Х.Ҳабибуллаев**  
**«06» апрель 2021 й.**

**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг**  
**ZOOM орқали кенгайтирилган хайъат йиғилишининг**  
**7-сон БАЁНИ**

**2021 йил 6 апрель**

**Тошкент шаҳри**

**Раислик қилувчи:**

Ш.Ҳабибуллаев Ўзгидромет Бош директори, хайъат раиси

**Қатнашдилар:**

Ўзгидромет марказий аппарат бошқарма, хизмат, бўлим бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти, “Метеоинфосистем” АТБ, ҳамда Гидрометеорология техникум раҳбарлари.

**Таклиф**

**қилинганлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари.

Хайъат йиғилиш мажлиси кун тартибини Бош директор Ш.Ҳабибуллаев муҳокамага қўйди ва йиғилиш аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув оргналарининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ-5053-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзгидромет марказий апаратини мақбуллаштириш юзасидан.**

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзгидромет Бош директори Ш.Ҳабибуллаев, давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий бозор механизмлари жорий этилиши, шунингдек, давлат функцияларини амалга оширишга Худудий бошқармаларга босқичма босқич мустақиллик бериш орқали салоҳиятини кўтариш ҳамда хусусий секторнинг жалб қилиниши каби йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ-5053-сон қарори ижрога қаратиш мақсадида қуйидаги ходимларининг штат бирликларини қисқартириш ва

тузилмасини мақбуллаштириш бўйича Республика комиссиясининг қуйидаги таклифлари муҳокама қилиш учун тақдим этилмоқда, жумладан:

1. Бош директорнинг ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари - 1 бирлик;
2. Гидрометеорологик таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари - 1 бирлик;
3. Табиий муҳит ифлосланиши мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари - 1 бирлик;
4. Авиацияни метеорологик таъминоти бошқармаси бошлиғи ўринбосари - 1 бирлик;
5. Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари - 2 бирлик;
6. Режа-иқтисод бўлими бошлиғи - 1 бирлик;
7. Биринчи бўлим бошлиғи - 1 бирлик;
8. Бош директорнинг биринчи ўринбосари, Бош директорнинг ўринбосарига ўзгартириш;
9. Бош директорнинг ахборот технологияларини жорий этиш ва инновацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари қисқартирилиши муносабати билан, барча бошқарма ва бўлимлар таркиби схемага мувофиқ кўриб чиқилиб, келишиш учун тақдим этилмоқда (иловада солиштирма схемалар келтирилмоқда).

Кун тартибидаги масалалар юзасидан қилинган маъруза ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Ўзгидромет маркази ҳайъати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ-5053-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзгидромет Марказий аппарат бошқарув ходимларининг штат бирликлари иловада келтирилган схемага мувофиқ **қисқартириш** ва **ўзгаришлари** маъқуллансин:
3. Кадрлар бўлими (Ибрагимова), Юридик бўлим (Юсупова) ва Молия-иқтисод бошқармаси Режа-иқтисод бўлими (Обидова) ушбу қарор ижроси бўйича буйруқ лойиҳасини **уч кун муддатда** имзолаш учун киритсин.
4. Кадрлар бўлими (Ибрагимова) ва Юридик бўлим (Юсупова) штат бирликлари қисқартирилаётган ходимлар билан муносабатларда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиниши ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслигини таъминлансин.
5. Бош директор биринчи ўринбосари (Нишонов), тегишли бошқарма бошлиқлари, бош мутахассислар ва етакчи мутахассислар **2021 йил 1 майга** қадар штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида функционал мажбуриятларнинг қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ходимларининг лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқлаш учун Бош директорга киритсин.

**Котиб**

**Д.Исхакова**